
ЛОЙ КЎЧАЛАР АСФАЛЬТ ҚИЛИНМОҚДА

Биламизки, қишлоқ йўлларининг ҳамаси ҳам текис ва равон эмас. Айниқса, асфальт ётқизилмаган кўчалар ёғингарчилик вақтида аҳоли учун ноқулай ҳолга келиб қолади.

Жумладан, Урганжи маҳалласининг Боғи Эрам кўчаси ҳам ана шундай лой кўчалардан бири эди. Давлатимиз томонидан йўл қурилиши соҳасига қаратилаётган жиддий эътибор ҳудудларни ободонлаштириш, йўловчи ва ҳайдовчиларга бирдек қулайлик яратиш, одамларнинг мушқули осон, турмуш даражаси эса янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

Эндиликда Урганжи МФЙдаги Боғи Эрам кўчасидаги носозликлар бартараф этилиб, шағал ётқизилмоқда. Ушбу хайрли ишлар туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан амалга оширилмоқда.

2023-02-22 11:17:04